2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 54 (576), 2022 йил 16 март, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

**15 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ва сайланган Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқотлари бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Туркманистон томонини ғоятда муҳим сиёсий тадбир — Президент сайлови муваффақиятли ўтказилгани, унда Сердар Бердимуҳамедов ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклаб, қардош Туркманистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги ишлар давом эттирилишига ишонч билдирилди.

Икки томонлама муносабатлар кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажмлари сезиларли даражада ошди. Чегарадош ҳудудлар ва етакчи корхоналар даражасида яқин алоқалар йўлга қўйилди. Саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида аниқ кооперация лойиҳалари илгари сурилмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакат етакчилари парламентлар ўртасидаги фаол мулоқотни, шу жумладан, халқаро ташкилотлар доирасида давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўтган даврда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, нуронийларнинг ижтимоий фаолликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Фахрий мураббий" ордени ва "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони таъсис этилди.

Кексалар учун 152 та туман ва шаҳарда "Нуронийлар маскани" мажмуалари ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллаларда "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари ташкил этилди, "Кексалар ҳафталиги" ва "Кексалар учун туризм ойлиги"ни ўтказиш анъанага айланди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги унга юклатилган **асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда нуроний ва кексалар билан ишларни такомиллаштириш** йўналишида қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

маҳаллаларда **"Бир нуроний ўн ёшга масъул" тамойилини қарор топтиришда ташаббускорлик кўрсатаётган** ижтимоий фаол нуронийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлардаги **"Фахрийлар кенгашлари", фуқаролар йиғинларидаги "Кексалар маслаҳати" гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириш**;

меҳнат фахрийларининг **маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш**, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги иштирокини кенгайтириш;

**"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида** ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ва нуронийлар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

**кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида** "Нуронийлар маскани" мажмуаларида ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

фуқаролар йиғинлари раисларининг **кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари** ва маҳаллалардаги бошқа жамоатчилик тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш.

2. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев):

а) **икки ой муддатда** Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда **"Бир нуроний ўн ёшга масъул" тамойили асосида маҳаллаларда ҳаётий ва катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли нуронийлар ва зиёлиларни** ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга бириктириш орқали уларни жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, маҳаллалардаги **ёшларнинг тарбияси ва ахлоқида бўлган ижобий ўзгаришлардан келиб чиқиб** нуроний ва зиёлилар Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб борилади;

б) фуқаролар йиғинлари томонидан нуронийлар ташаббуси ва тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда "**Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини** амалга ошириш бўйича маҳаллаларнинг дастурлари қабул қилинишини таъминласин;

в) фуқаролар йиғинларида **"Кексалар маслаҳати" гуруҳларининг жамоатчилик назорати** йўналишидаги фаолиятини самарали ташкил этсин.

Бунда, маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, давомати, бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни иш билан таъминлаш даражаси ва бошқа давлат хизматларининг кўрсатилиши бўйича нуронийларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилади.

3. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг **ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартибини тақиқлаш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни тақиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, **2022 йил 1 апрелдан бошлаб**:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба **санаторийларда бепул соғломлаштирилади**;

2-бетга қаранг.

## "МАҲСУЛОТБАЙ" КООПЕРАЦИЯ

### импорт маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш, маҳаллий саноатни янада ривожлантиришга хизмат қилади

**Ички талабни ўрганиш — импортни таҳлил қилиш — ресурс базани аниқлаш — янги лойиҳалар ишлаб чиқиш. Маҳаллий ишлаб чиқариш бу "занжир" асосида йўлга қўйилган тақдирда муваффақият асло куттириб қўймайди. Бинобарин, Президентимиз раислигида шу йил 11 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бугунги ўзгарувчан шароитда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлашда ички имкониятларни ишга солиш, яъни тайёр импорт маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва маҳаллий саноатни янада ривожлантириш муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.**

ИЛҒОР ТАЖРИБА



Саноат тармоқлари, йирик корхоналар билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида "маҳсулотбай" кооперация зарурлигига эътибор қаратилар экан, бу борада Навоий кон-металлургия комбинатида биринчи қадамлар ташланаётгани таъкидланди. Мазкур тажрибани барча тармоқ ва ҳудудларда йўлга қўйиш, импорт маҳсулотларни ўзлаштиришга тадбиркорларни жалб этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Давоми 3-бетда

ДИЛ ИЗҲОРИ



**Давлатимиз раҳбари 2021 йил 13 август куни XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашганида халқимиз фахри — Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жалоловнинг Ўзбекистон спортини дунёга танитиш йўлидаги ҳиссаси ҳақида тўлқинланиб гапирган, уларнинг спорт маҳорати мактабини ташкил этиш ва фаолияти учун барча зарур шароитларни яратиб бериш вазифасини қўйган эди.**

## ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ ИККИ ҚАНОТИ ЮКСАК ПАРВОЗГА ШАЙЛАНМОҚДА

Президентимизнинг жорий йил 14 мартдаги **"Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда **"Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорлари билан Ўзбекистон спорти тарихида иккита ёрқин саҳифа очилишининг ҳуқуқий асоси яратилди.

Ҳар икки спортчимиз мухбирларимизга берган эксклюзив интервьюсида ўз мактабида маҳоратли ўғил-қизларни дунёга танқли спортчи сифатида тарбиялаш истагида эканини миннатдорлик билан айтди.

Давоми 2-бетда

"ЯШИЛ МАКОН" УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

## ДАРАХТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТИБ

### амаллар дафтарини безайлик!

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Ислом дини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни асраб-авайлаш ва экологик муаммоларни бартараф этишга даъват қилади. Айниқса, дини мубинимизда экин экиш савобли амаллиги, қаровсиз ерларни обод қилишга улкан ажру мукофот берилиши ваъда қилинган.

Баҳор келиши билан кўнгиллардан бошланган ободлик хонадонларимизга, кўчаю хиёбонларимизга, маҳаллаларимизга, қишлоғу гўшаларимизга, бутун заминимизга кўчади. Бунинг натижасида ҳар бир киши ерга ниҳол қадашга киришади. Бу эса табиат билан инсоният ҳамоҳанглигини ифода этади.

Сўнгги йилларда жаҳонда кузатилаётган иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар, афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Рўй бераётган чанг-тўзонлар, шунингдек, ёғингарчиликларнинг кескин камайиб кетаётгани каби табиат инжиқликлари бизга жиддий огоҳлик қўнғироғи бўлмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, жорий йил 2 февраль куни Президентимиз раислигида экологик ҳолатни яхшилаш ва "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди.

Йиғилишда қайд этилган муҳим масалалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида шу йил 1 март куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг баёноти қабул қилинди. Баёнотда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритилиб, динимиз таълимоти асосида барча юртдошларимизни ушбу тадбирда фаол иштирок этишга чақириш баробарида, қишлоқ-овулларимиз, маҳалла-кўйларимизни обод қилиш орқали юртимизни боғу бўстонга айлантириш назарда тутилди.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) Жамғарма маблағлари ҳисобидан шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан **3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари** олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан **оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган** кексаларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, **3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизигача бўлган суммаси компенсация қилинади**.

Бунда, дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади ҳамда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қарори қабул қилинган кундаги дори воситаларининг тегишли **суммаси компенсация қилинади**;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасаларда (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари) **жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун** абонемент харажатлари қопланади.

Бунда, абонемент харажатларининг бир ойлик суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 бараваридан ошмаган ҳолда** спорт йўналишидаги муассасаларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади;

д) Жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат театрлари ва музейларига кексалар учун **чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилади**.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва маблағ ажратишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин.

5. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Туризм ва маданий мерос вазирлиги (У.А.Азамов) билан биргаликда:

кексаларнинг республикамиздаги **диққатга сазовор жойларга сайёҳлик сафарларини** ташкил этиш мақсадида Жамғармага ажратилган маблағлар ҳисобидан иккита замонавий автобус харид қилсин;

сайёҳлик сафарларини уюштириш бўйича тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор жойларнинг рўйхатини шакллантирсин ҳамда туманлар (шаҳарлар) кесимида автобуслар қатновлари графигини тасдиқласин;

2022 йил учун графикда белгиланган сафарларни уюштириш жойи, вақти ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ахборот тарқатишнинг бошқа манбалари, шу жумладан, "Нуроний" электрон платформаси орқали **ҳудудлар аҳолисини камида уч ой олдиндан хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин**.

6. 2022 йилда Жамғарма маблағларининг амалда ўзлаштирилишига қараб Давлат бюджетидан **50 миллиард сўм** ажратилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ келгуси йилларда Жамғарманинг асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур маблағларнинг Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

7. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) билан биргаликда:

а) **2022 йил 1 октябрга қадар** Жамғарманинг "Нуроний" электрон **платформаси ва ягона электрон базаси фаолиятини йўлга қўйсин** ҳамда Жамғарманинг фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларнинг платформада жойлаштириб борилишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Жамғарма маблағларининг сарфланиши, шу жумладан, маблағ олувчилар ва хизматлардан фойдаланганлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ҳисобот чораги якуни билан Жамғарманинг **расмий веб-сайтига жойлаштириб борилади**;

Жамғарма ўз маблағларининг сарфланишига оид масалаларни муҳокама қилишга кенг **жамоатчиликни жалб қилган ҳолда** ўз фаолиятининг аудиторлик текшируви натижалари ҳисоботини **оммавий ахборот воситаларига тақдим этиб боради**;

б) **2022 йил 1 сентябрга қадар** бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда кексаларга оид маълумот ва янгиликларни уларнинг мобиль телефон рақамларига **SMS-хабарнома юбориш орқали маълум қилиб бориш**ни ташкил қилсин;

в) **2022 йил 1 декабрга қадар** Жамғарманинг ягона электрон маълумотлар базасига кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор мурожаат қилиш каби масалалар киритилишини таъминласин;

г) **2023 йил 1 январга қадар** "Нуроний" электрон платформасини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенсия ва нафақа олувчиларнинг электрон маълумотлар базаси, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ҳамда "Ижтимоий хизмат" электрон платформаси билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

8. **2022 йил 1 майдан** бошлаб **ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари** ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар томонидан Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг "Call-маркази"га қилинган мурожаатлар асосида қуйидаги хизматларни кўрсатади:

а) **ахборот-сервис хизмати:**

оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар **шифокорларининг кўригига ёздириш**, **уларни уйга кўрикдан ўтишга чақириш;**

Жамғарма **хизматларидан фойдаланиш учун буюртма бериш**, рўйхатдан ўтиш ва буюртманинг ҳолатига аниқлик киритиш;

Жамғарма томонидан **ташкил этиладиган профилактик, тиббий даволанишлар ва сайёҳлик сафарлари** бўйича маълумотлар олиш;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун **жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасалар (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари)** тўғрисида маълумотлар олиш;

маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида **кинотеатрлар, театрлар, музейлар ва бошқа маданий тадбирлар** тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш;

б) **уйда хизматларни кўрсатиш:**

Жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасида **дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари ва кресло-аравачаларни уйга етказиб бериш**;

шифокорлар рецептларига асосан ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг маблағлари ҳисобига **дори воситаларини олиб келиш** ҳамда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг шифокори кўригидан сўнг тиббий кўрик маълумотларини етказиш;

кутубхоналарга аъзо бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун **китоблар, журналлар, газеталар ва бошқа нашрларни етказиш**.

9. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.А.Хаджаев), Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) билан биргаликда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телеканаллари орқали Жамғарманинг молиявий кўмаги асосида кексалар учун қуйидаги мазмундаги **кўнгилочар-маърифий кўрсатувлар ва видеороликлар эфирга узатилиши**ни ташкил қилсин:

а) **"Оталар сўзи — ақлнинг кўзи"** телекўрсатувининг ҳар ойда камида иккита янги сони.

Бунда, кўрсатув мазмунан бойитилган ҳолда **оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ас-раб-авайлаш, Ватанга муҳаббат** руҳида тасвирга олинади;

б) **"Нуронийлар маслаҳати", "Маҳаллада гурунг" ва "Ёшлар нуронийлар нигоҳида"** рукни остида **обрў-эътиборли кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасига** бағишланган маърифий телекўрсатувларнинг ҳар кунлик сони;

в) замонавий тўлов воситаларидан ва банк хизматларидан фойдаланиш ҳамда **молиявий саводхонликни ошириш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйиш** ҳамда ҳунармандчилик, касаначилик ва томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича қисқа метражли видеороликлар.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра барча давлат бошқаруви органларида ҳар йили икки марта мазкур ташкилотларда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган **кекса авлод вакиллари билан вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида "Кекса авлод учрашувлари"** мавзусида маслаҳат суҳбатлари ташкил этиб борилади.

Белгилансинки, маслаҳат суҳбатлари вазирлик ва идораларнинг мутасадди ходимлари иштирокида ташкилотнинг **сўнгги йиллардаги фаолияти натижалари, истиқболдаги режалари ҳамда узоқ муддатли стратегик кўрсаткичлари** бўйича муҳокамали тарзда ташкил қилинади.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошкулов) Халқ таълими вазирлиги (Б.О.Саидов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** доимий равишда:

а) олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва мактабларда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида ҳаётий тажрибага эга бўлган **нуронийлар билан очиқ давра суҳбатларини, шу жумладан, видеоконференция тарзида ташкил этиш**;

б) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексаларни маънавий-руҳий ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида **жойлардаги давлат органлари ва муассасаларининг малакали психологлари, фаол ёшлардан иборат бўлган волонтёрлик гуруҳлари**ни ташкил қилиш.

Бунда, волонтёрлик гуруҳлари томонидан **ҳар икки ойда камида бир маротаба** ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш масалаларини **мувофиқлаштиришга ёшлар етакчилари шахсан масъул ҳисобланади**.

12. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Жамғарманинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарманинг шакллантирилган ўз маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

13. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** халқаро тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда **фаол қариш индексини жорий этиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг кўламда ёритиб борилишини таъминласин.

15. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари С.Т.Турдиев, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 августга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 март

**ДИЛ ИЗҲОРИ**

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ ИККИ ҚАНОТИ ЮКСАК ПАРВОЗГА ШАЙЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

## БИЛАГИМГА КУЧ, ШИЖОАТИМГА РУҲ БАҒИШЛАДИ

**Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Токио Олимпиадаси ғолиби, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби:**



— Бизнинг замин азалдан кураги ерга тегмаган полвонлар, баҳодирлар юрти бўлган. Мард, танти, меҳмондўст халқимиз шуҳрати дунёга маълум. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимиз куч-ғайратини, қудратини дунё аҳли яхши билади. Бу ҳозир ҳам давом этмоқда. Айниқса, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг спортга, спортчиларга эътибори, ғамхўрлиги, яратилган шарт-шароитлар туфайли Ўзбекистон йигит-қизлари оламшумул ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз шарафини баланд кўтармоқда. Эҳтимол, гапларим эриш туюлар. Аммо, бу — ҳақиқат.

Масалан, ўзим. Гарчи бир неча маротаба чемпионликни қўлга киритган бўлсамда, яқин йилларгача мени ҳеч ким танимас эди. Устоз-мураббийларимдан бошқа бирорта мутасадди раҳбар тақдирим ва ютуқларим учун жон куйдирмаган. Нокамтарлик бўлса-да, очиғини айтишим керак, дунёга Баҳодир Жалолов бўлиб танилишим Президентимизнинг ўзбек спортчиларига алоҳида эътибори, қўллаб-қувватлови, ишончи самарасидир. Бу ишонч ва мотивацияни бугун ҳар бир спортчи фаолиятида кўриш мумкин. Буни биз ҳар бир ғалабамизда ҳис қиламиз.

Бугун Дубайдаман. Бу ерда 18 март куни бўлиб ўтадиган мусобақага тайёргарликни бошладик. Лекин кўнглим она юртимда, хаёлим эса Президентимиз имзолаган қарорда. Бу қарорнинг қабул қилиниши, тўғрисини айтсам, билагимга куч, шижоатимга руҳ бағишлади.

Президентимиз бизга бокс маҳорати мактабини очиб берди. Энди биз бу мактабда дунёга машҳур спортчиларни тарбиялашимиз керак. Албатта, бу шарафли вазифани бажонидил бажарамиз. Иқтидорли спортчи укаларимизга бор маҳоратимизни ўргатамиз. Бу истиқболли ишни чемпион дўстларим, елкадош устозларим, яқинларим, спорт соҳасининг жонкуяр вакиллари ва мутасадди раҳбарлари билан ҳамжиҳатликда амалга оширамиз.

Худо хоҳласа, қутлуғ ният билан асос солинаётган бокс мактабимизга Ўзбекистондаги энг маҳоратли мураббийларни танлаб оламиз ва юртимиз шаънини ҳимоя қиладиган ёш боксчиларни тарбиялаб, дунё ринг майдонларига чиқарамиз.

Президентимизнинг менга билдирган юксак ишончини фидойи меҳнатим, изланишларим ва ҳозир тилимга чиқара олмаётган эзгу ниятларим, ёруғ режаларим натижаси билан, албатта, оқлайман. Мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган куч-қудратини, салоҳиятини, бокс мактабимизда таълим оладиган ёш, эпчил спортчиларимизнинг келажакдаги ғалабалари билан янада мустаҳкамлаймиз.

Билакдаги куч, онгимиздаги тафаккуримиз билан ҳали дунё спорт майдонларида янада улкан зафарлар қучамиз. Ўзбекнинг болалари дунё майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтариб, Ватан мадҳиясини баралла куйлайверади.

Ишончимиз комилки, ўзбек бокс мактаби дунёдаги энг кучлилардан бири сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

**Оксана ЧУСОВИТИНА:**

## "ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИ ОЧИЛИШИНИ АЙТГАНИДА ЁШ БОЛАДАЙ ҚУВОНДИМ"

**— Жаҳон спорти оламида тирик афсонага айланиш катта меҳнат ва заҳмат эвазига келади. Ортга қараб, нималарни кўрасиз?**

— Мен ўзимни афсона, деб билмайман. Спортни яхши кўрганим учун бу майдондан кетолмайман. Машғулотлар менга ҳузур бағишлайди. Албатта, муваффақиятлар ўзича келмайди. Улар катта меҳнат, тинимсиз ҳаракатлар эвазига қўлга киритилади. Шуни мамнуният билан айта оламанки, спорт ҳаётимнинг мазмунига айланиб улгурган.

Ортга қарасам, қийинчиликларни, шу билан бирга, қувончларни кўраман. Кўп йиллик фаолиятим давомида кулдим, йиғладим, лекин барча кунлардан миннатдорман. Шу йўлни танлаганим, озми-кўпми Ватаним учун ҳаракат қилаётганим мени ҳамиша қувонтиради.

**— Сиз кўп йиллик фаолиятингиз давомида соҳадаги ўзгаришлардан хабардорсиз. Бу ҳақда нима дея оласиз? Ёшларнинг спортдаги муваффақиятидан кўнглингиз тўляптими?**

— Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Кўриб турибмиз, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит бор. Бизнинг спорт билан тўлақонли шуғулланишимиз учун тузук-қуруқ залнинг ўзи йўқ эди. Бундай муаммо бугуннинг ёшларидан йироқ. Мамлакатимизда спортга катта эътибор қаратилаётгани сабаб спорт билан шуғулланишга иштиёқманд ўғил-қизлар кўпаймоқда. Улар машғулотларга шунчаки келиб-кетмайди, бор меҳрини беради. Йигит-қизларимиз катта-катта мусобақаларда биринчиликка интиляпти. Ватанимизнинг шаъну шавкати учун, жаҳон майдонида Ўзбекистон қудратини кўрсатиш учун ҳаракат қиляпти. Уларнинг ҳаракатидан, кўрсатаётган натижаларидан хурсанд бўламан. Шиддати кўзида акс этиб турган ёшлар билан фахрланмай бўладими?! Натижа ўз-ўзидан қўлга киритилмаяпти. Буларнинг бари — эътибор самараси. Уларга фақат олдинга интилиши кераклигини айтаман. Нима бўлишидан қатъи назар, ёш спортчилар ҳеч қачон таслим бўлмаслиги керак. Кўнглида истак бўлса, меҳнатдан қочмаса, спорт уларга, албатта, ғалаба келтиради.



**— Ғалаба ва мағлубият. Уларга қандай таъриф берасиз? Сизни ғалабага ким ёки нима руҳлантиради? Мағлубият изтиробини ким билан бўлишасиз?**

— Мағлубият ҳамиша ғалабага эришишда дастлабки қадам бўлади. У барибир бир куни ғалабага олиб боради. Бунга ишониш керак. Ҳар бир ютқазиш ўрнингдан туриб, кейинги қадамни ташлашга туртки беради. Кўпроқ шуғулланишга, ютишга ундайди.

Оилам, яқин дўстларим ғалабага руҳлантиради. Токио Олимпиадасида юртдошларимизнинг мени қўллаб-қувватлаганидан хурсанд бўлдим. Улар мағлубиятимдан хафа бўлмади, олқишлаб, яхши тилаклар билан кўнглимни кўтарди.

Аёл учун энг яхши қўрғон бу — оила. Ғалаба завқини ҳам, мағлубият изтиробини ҳам, биринчи навбатда, оилам билан бўлишаман. Муҳими, иккала вазиятда ҳам улар мени яхши кўради.

**— Давлатимиз раҳбари Токио Олимпиадаси совриндорлари билан учрашувда Ўзбекистонда Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жалоловнинг спорт маҳорати мактабларини ташкил этиш бўйича алоҳида кўрсатма берганди. Куни кеча эса, бу бўйича қарор имзоланди. Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактаби фаолияти қандай бўлади?**

— Президентимиз учрашувда спорт маҳорати мактаби очилишини айтганида, ёш боладай қувондим. Биласизми, бу мен учун мўъжиза эди.

Президентимизнинг "Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Ўзбекистоннинг гимнастикачи ўғил-қизлари учун янги даврни бошлаб беради. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Гимнастика мактабида турли даражадаги халқаро ва минтақавий мусобақаларда — Олимпия, Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиада ва бошқа мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги спортчилар тайёрлаш мақсад қилинган. Машғулотлар халқаро стандартлар даражасида ташкил этилади.

Қарорга кўра, гимнастика мактаби ихтисослаштирилган давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланиб, 2022/2023 ўқув йилидан ўз фаолиятини бошлайди. Умумий контингент 165 нафарни ташкил этиб, 1–11-синф ўқувчиларидан иборат бўлади. Қувонарлиси, ўқувчилар озиқ-овқат билан таъминланади. Бу фарзандининг гимнастика билан шуғулланишига хоҳиши бор, бироқ молиявий шароити ҳисобли ота-оналарга катта имконият дегани.

Қарорда болалар умумий ўрта таълим олиши ҳам пухта ўйланган. Унга кўра, ёш спортчиларга гимнастика мактабига яқин ҳудудда жойлашган умумтаълим мактабида таълим олишига шароит яратиб берилади.

Мен анча йиллардан буён Ўзбекистонда болалар ва ёшлар спортини ривожлантиришга, соғлом келажак яратишга ўз ҳиссамни қўшишим кераклиги ҳақида ўйлаб юрардим. Орзуим давлатимиз раҳбарининг соҳага юксак эътибори билан амалга ошадиган бўлди.

Бугун Президентимиз, халқимиз бизга катта ишонч билдиряпти. Бу ишончни оқлаш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Башорат ЮНУСОВА суҳбатлашди.**

## “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

# ДАРАХТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТИБ

## амаллар дафтарини безайлик!

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий**

**Бошланиши 1-бетда**

Динимиз табиатни асраб-авайлашга, ундан оқилона фойдаланишга буюради. Нафас олиб турган жон, тирик организм борки, унга азият етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинган: **“Ерни яроқли қилиб қўйгандан кейин унда бузғунчилик қилмангиз!”** *(Аъроф сураси, 56-оят).*

Ислом кўчат ўтқазишга, экин-тикин ишларига доимо тарғиб қилади. Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **“Ким бирор ўлик ерни тирилтирса, яъни обод этса, унга шунда ажр бордир. Шунингдек, ундан бирор жонзот еган нарсада унга садақа** (савоби) **бордир”,** дедилар *(Имом Доримий ривояти).*

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса, **“Ким Аллоҳга ишониб, савоб умид қилган ҳолда қаровсиз ерни обод қилса, унга ёрдам ва барака бериш Аллоҳга лозим бўлди”,** дейилган *(Имом Байҳақий ва Имом Табароний ривоятлари).* Ҳадисдаги **“Аллоҳга лозим бўлди”,** деган жумла мазкур бандага Аллоҳнинг фазл-карами бўлди, деганидир.

Саҳобалардан бир қанчаси экин экиш билан шуғулланган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу саҳобалар орасида зоҳидлардан бўлса-да, деҳқончилик қилар эди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу мўл ҳосил олиш учун ўз ерига ўғитлар билан ишлов берар эди. Зеро, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак ҳадисларида **“Ерда экин-тикин қилиб ризқ-рўзингизни талаб қилингиз”,** деган эдилар *(Имом Табароний ривояти).*

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса **“Албатта, фаришталар экин ёки кўчат экувчининг ҳаққига, модомики, эккан нарсаси кўкариб тураркан, истиғфор айтиб туришади”,** дейилган.

Ривоят қилинишича, саҳоба Хузайма ибн Собитнинг бўш ери бор эди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу у кишининг ёнларига келиб “Эй Хузайма! Бу ерингизга кўчат экиб қўйинг”, дедилар. Шунда саҳоба “Мен кексайиб қолдим”, деди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: “Йўқ, ундай деманг, бўш турган бу ерингизга, албатта, кўчат экинг”, деб ўзлари бирга ўша ерга кўчат экди.

Одам алайҳиссалом жаннатдан Ер юзига туширилганида Жаброил алайҳиссалом буғдой олиб келиб, ерга экишга буюради. Одам алайҳиссалом буғдойни ерга эккан, суғорган ва ҳосилни йиғиштириб олган эди.



Отамиз Одам алайҳиссаломдан қолган мана шу эзгу анъана асрлар оша сайқалланиб, алоҳида қадрият сифатида шаклланди. Бугун эса бу юртимизда умуммиллий ҳаракат — “Яшил макон” лойиҳасига айланди.

Айни кунларда ушбу ташаббус юртимиздаги барча масжид, мадраса ва зиёратгоҳларда кенг кўламда амалга оширилиб, дин пешволари томонидан ҳудудларда яшил майдонлар барпо этилмоқда.

Сўз исботи билан гўзал. Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Хўжа Исмоил шаҳарчасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан 1500 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилди. Шу анъана юртимизнинг ҳар бир ҳудудида кенг кўламда давом этяпти.

Табиат мусаффолигини асраш, уни келажак авлодга бекаму кўст етказиш — ҳаётий вазифа. Айниқса, ёш авлодда она табиатга ҳурмат, унинг бебаҳо неъматларини ардоқлаш туйғусини ошириш орқали экологик маданиятни, тозаликка риоя қилиш кўникмасини шакллантиришга эришамиз. Шу боис, уламолар баёнотида уй-хонадонларда, маҳалла-гўшаларда, масжид-мадрасаларда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини кенг кўламда олиб бориш бугунги кундаги асосий вазифа экани яққол намоён бўлмоқда.

XXI асрда саноатнинг жадал ривожланиши, табиий бойликлардан ўринсиз фойдаланиш оқибатида экологик мувозанат бузилиб, дунёда кўплаб иқлим муаммолари юзага келмоқда. БМТ маълумотига кўра, иқлим ўзгаришлари сабаб ҳозир дунёнинг 110 дан ортиқ мамлакати чўлланишу қурғоқчиликдан азият чекмоқда. Агар ҳар йили жаҳонда 4,7 миллион гектар ўрмон йўқ бўлиб бораётганини инобатга олсак, келгусида бу каби муаммолар янада ортиши табиий.

Дарахтлар эса ҳавони фильтрловчи энг самарали восита бўлиб, ўртача катталикдаги бир туп дарахт тахминан



20 килограмм карбонад ангидридни ютиши мумкин. Бу эса кўпгина замонавий фильтрлардан ҳам яхшироқдир.

Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ерга, табиатга ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлиб, доим уни асраб-авайлашга, “бирни кессанг, ўнни эк”, дея боғу роғлар барпо этишга интилган.

Шу азиз юртнинг фуқароси бўлган ҳар бир мўмин-мусулмон киши дарахт экиб, кўчат ўтқазиб, ўзи яшаб турган шаҳару қишлоғини, маҳалласини обод қилиши шарт. Бу бизга икки карра ютуқдир. Аввало, юртимиз обод бўлади, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кўркамлашади. Иккинчидан, бундай хайрли ишларимизнинг савоби садақаи жория сифатида то қиёматгача амал дафтаримизга тўхтовсиз савоб бўлиб ёзилиб туради, Аллоҳ насиб.

Мухтасар айтганда, бугун юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган шундай хайрли ишларга ҳар бир инсон камарбаста бўлиши фаровон келажагимиз кафолатидир. Яшил майдонларни ҳосил қилиш ишларида фаол бўлиб, хонадонларимиз атрофига, маҳалла-кўйларимизга, кўчаларимизга бир тупдан кўчат ўтқазсак, бутун мамлакатимиз боғу бўстонга айланади.

---

## ИЛҒОР ТАЖРИБА

**Бошланиши 1-бетда**

— Бу тажриба комбинатимизда тадбиркорлик субъектларини амалий қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи “шатакка олиш” механизми деб аталади, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати Харидларни ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Содиқ Рустамов. — Унга асосан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан импорт қилинган ҳар бир маҳсулотни ҳамкорликда ўзлаштириш бўйича “йўл харитаси” тайёрланади. Комбинатимиз муҳандислари тадбиркорлик субъектларига конструкторлик ва технологик ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, техник маслаҳат бериш, шунингдек, маҳсулотлар сифатини талаб даражасигача етказишда амалий ёрдам кўрсатади.

2021 йилда мазкур механизм доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда уларнинг қувватларида эмульгатор, гидравлик мой (“Chilon Lubricants” МЧЖ), реактор аралаштиргичи (“Gidro Stanko Servis” МЧЖ), цилиндрсимон тирқишли ғалвирлар (“Navpromlitmash” МЧЖ), радиаторлар (“Uchquduq Prom Zona” МЧЖ), мой фильтрлари (“Oil Filter Technology” МЧЖ), европалет, фильтрловчи плиталар (“SK sanoat kompaniyasi” МЧЖ, “Evro Prom Lider” МЧЖ), сильфон (“Texno Rezina” МЧЖ), қуритиш шкафлари (“Karmana-Sharqona Invest” МЧЖ) каби янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ўзлаштирилди.

Комбинатнинг 2021 йилга мўлжалланган “йўл харитаси”га мувофиқ, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобига импортни қисқартиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 84,3 миллион долларни ташкил этди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан тармоқлараро саноат кооперацияси йўлга қўйилиши натижасида қўшимча равишда умумий қиймати 23,5 миллион долларга тенг 56 турдаги маҳсулот харид қилинди.

Комбинат томонидан ўзлаштирилган 191 номдаги маҳсулот ва хизматлар электрон кооперация порталига жойлаштирилди ва тадбиркорлик субъектларига ҳамкорлик учун таклиф қилинди.

Мазкур тажрибанинг яна бир самарали жиҳати шундаки, комбинат импорт маҳсулотлар ва уларга техник талаблар ҳақидаги маълумотларни кооперация порталига жойлаштиргани ҳисобига олдин импорт қилинган 600 миллиард сўмлик маҳсулотлар 18 та маҳаллий корхона томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, ушбу корхоналар сўнгги 3 йилда кичик корхонадан ўрта ишлаб чиқарувчилар тоифасига ўтиб, иш ўринларини 10 баравар оширди.

Комбинатнинг “Navpromlitmash” МЧЖ билан ҳамкорлигини бунга амалий мисол сифатида келтириш мумкин.

— Фаолиятимизни ўн беш йил олдин беш ишчи билан бошлаганмиз, — дейди “Navpromlitmash” МЧЖ раҳбари Иброҳим Файзиев. — Бугунги кунда иш ўринлари сони 150 дан ортди, йил якунига қадар 220 тага етказишни мақсад қилганмиз. Дастлаб оҳак тайёрлаш билан шуғулланган бўлсак, ҳозир сув, ҳаво ва мой совиткичлар, компенсатор, электрод, чўян қуйма маҳсулотлар, ғалвир, мис, латун қувурлар, аралаштиргич каби 100 дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. НКМК билан ҳамкорлигимиз 2019 йилда бошланган. “Шатакка олиш” механизми доирасида ҳар бир маҳсулотга доир “йўл харитаси” тузилиб, комбинат мутахассислари уларни ўзлаштиришда корхонамизга амалий ёрдам кўрсатиб келяпти. Бу жуда катта самара бермоқда. Биз комбинатга 2019 йилда 7,6 миллиард, 2020 йилда 40,2 миллиард, 2021 йилда эса 43,3 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бердик. 2022 йил учун қиймати 67,4 миллиард сўмлик шартнома тузилган бўлиб, шундан жорий йилнинг январь-февраль ойларида нархи 7,4 миллиард сўмга тенг бўлган тожли ва чўктирма электродлар, сильфонли компенсаторлар ва чўян харид қилинди.

> **Навоий кон-металлургия комбинатининг 2022 йилга мўлжалланган “йўл харитаси”да импортни қисқартиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 84,5 миллион долларни ташкил этиши кўзда тутилган. Шундан 30,2 миллион долларлик кўрсаткич маҳаллийлаштириш, 54,3 миллион долларлиги саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобига бажарилади.**





# “МАҲСУЛОТБАЙ” КООПЕРАЦИЯ

## импорт маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш, маҳаллий саноатни янада ривожлантиришга хизмат қилади



Навоий кон-металлургия комбинатининг 2022 йилга мўлжалланган “йўл харитаси”да импортни қисқартиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 84,5 миллион долларни ташкил этиши кўзда тутилган. Шундан 30,2 миллион долларлик кўрсаткич маҳаллийлаштириш, 54,3 миллион долларлиги саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобига бажарилади.

— Жорий йилнинг дастлабки икки ойида 11,8 миллион долларлик мақсадли кўрсаткичларга эришилди, — дейди комбинатнинг Маҳаллийлаштириш, эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бошқармаси бошлиғи Дилором Баҳронова. — Бунда аралаштиргич парраклар (“Gidro Stanko Servis” МЧЖ), тожли ва чўктирма электродлар, сильфонли компенсатор (“Navpromlitmash” МЧЖ), мойланган тормоз накладка ва колодкалари (“Stalmet Group Service” ХК), тескари осмос, сув фильтри (“Эко компани” ХК), импорт техника учун юқори босимли шланглар (“Hydro Component” МЧЖ) каби янги турдаги маҳсулотлар маҳаллийлаштирилди.

Йил якунига қадар “шатакка олиш” механизмини қўллаш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қувватларида пневматик перфоратор, графитланган электрод, фаоллашган кўмир, қуйқага қарши эритма, сульфит-спиртли барда, депрессор, совитиш суюқлиги, “valeron” махсус плёнкаси каби янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, шунингдек, ферромарганец, темир золдирлар ва арматура ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш кўзда тутилган.

### Энг тўғри ва самарали йўл

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жами 154 та лойиҳа бўйича 442,2 миллиард сўмлик ёки 2020 йилга нисбатан 125,5 фоиз миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Комбинатда бу жараёнлар ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмига айланиб, инновацион дунёқарашга эга раҳбар-мутахассислар авлоди шаклланмоқда. Уларнинг изланишлари туфайли ўзлаштирилаётган маҳсулотлар импорт ўрнини қоплаб, экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

— Бугунги кунда жаҳон бозоридаги беқарор шароит давлатлар ҳамда корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатяпти, — дейди комбинат бўлим бошлиғи Улуғбек Санақулов. — Бу вазиятда саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш энг тўғри ва самарали йўлдир. Комбинат бу борада юртимизнинг энг йирик корхоналаридан биридир. Ўтган йилнинг ўзида турли ўлчамли шарли тегирмон, экскаватор редуктори, ковши ва дастаги, вертикал-токарлик, тасмали, газ-кислород ҳамда плазмали металл кесиш дастгоҳлари, гидроциклон қурилма каби 82,2 миллиард сўмлик 71 та янги турдаги маҳсулот маҳаллийлаштирилди. Бу маҳсулотлар, аввало, комбинатимиз бир маромда ишлашига катта ёрдам беряпти. Шу билан бирга, инвестиция дастури доирасидаги йирик лойиҳалар учун зарур бутловчи ва эҳтиёт қисмларга бўлган талабни қондирмоқда.

Комбинат фаолиятининг муваффақиятли ташкил этилиши ўта юқори аниқликдаги юксак сифатли металл конструкциялар, ускуна ва жиҳозлар ҳамда турли ўлчамдаги эҳтиёт қисмларнинг узлуксиз етказиб берилишига ҳам боғлиқ. Бу мақсадга эришишда Навоий машинасозлик заводининг ўрни катта.

Бу ерда кейинги йилларда мураккаб тизимли рақамли дастгоҳлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Тараққиёт доимо изланишни ва мавжудларини такомиллаштиришни тақозо этади. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида завод муҳандислари томонидан юқори технологияли вертикал-токарлик дастгоҳи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Завод қувватларини кенгайтириш мақсадида ўтган йили қуюв цехида йилига 2000 тонна маҳсулот тайёрлаш имконини берадиган янги қолиплаш участкаси ишга туширилди, — дейди Навоий машинасозлик заводи директори Жаҳонгир Ҳайитов. — Шунингдек, ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилувчи пайвандлаш-йиғиш участкаси кенгайтирилди.

Комбинатда 2022 йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида жами 157 та лойиҳа бўйича 514,8 миллиард сўмлик, жумладан, 104 та янги ва кенгайтирилган лойиҳа бўйича 344,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Январь-февраль ойларида бу борада 79 та лойиҳа бўйича 77,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Комбинатнинг қўшимча имкониятларини ишга солган ҳолда, 29,2 миллиард сўмлик 11 та янги лойиҳани амалга ошириш орқали мақсадли кўрсаткични 544 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Бундай ишларнинг мамлакатимиз тармоқ ва ҳудудларида ҳам йўлга қўйилиши импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўпайиши, энг аввало, валюта тежалиши, янги инновацион ишланмаларни жорий этиш, янги иш ўринлари ва даромад манбаининг яратилишига хизмат қилади.

“Маҳсулотбай” кооперация янги маҳсулотларни ўзлаштириш жараёнида корхоналарни илм-фан ва инновацион ғоялар билан доимий равишда шуғулланиш, тажрибали муҳандисларни тайёрлаш ҳамда жалб этишга рағбатлантиради.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 январдаги қарори билан тасдиқланган, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг 2022 йилга мўлжалланган дастурига мувофиқ, 2 минг 455 та лойиҳа доирасида қарийб 37 триллион сўмлик янги маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган. “Маҳсулотбай” кооперация жорий этилиши бу мақсадларга эришишда, албатта, қўл келади.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**



# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР

## илм-фан ва инновация билан такомилига етади

ИСЛОҲОТЛАР — АМАЛДА

**Искандар ЎРОҚБОЕВ,**
**“Тараққиёт стратегияси” маркази бош мутахассиси**



**Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш жараёнлари иқтисодиётнинг муҳим воситаларидан бири сифатида, аҳоли фаровонлигини таъминловчи янги босқич бошланганидан дарак беради. Демак, бу соҳа олдида ҳам катта стратегик мақсад ва режалар турибди. Уни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда, эришилган натижалар эса соҳа истиқболига ишончни мустаҳкамлайди.**

Жумладан, 2021 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори имзоланди. “2021–2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотидан келиб чиқиб, барча туманлар муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга босқичма-босқич ихтисослаштирилиши белгиланди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда асосий эътибор уларнинг ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда парваришлаш ҳамда кооперация ва кластер тизими асосида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш, ички ва ташқи бозорларга сотиш тизими йўлга қўйилишига қаратилади. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш учун ҳар бир вилоятда камида битта туман органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилади.

2021 йил 1 сентябрдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатларини харид қилиш учун ажратиладиган тижорат банклари кредитлари Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан маълум талаблар асосида қоплаб бериладиган бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат, “ArcGIS” дастури ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларининг асосий ва такрорий экин турлари, ҳосилдорлик даражасидан келиб чиқиб, интерфаол харитада кузатиш имкониятига эга ягона ахборот базасини шакллантириш ҳамда унинг миллий геоахборот тизими билан интеграция қилиниши таъминланади. Бу қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш ҳамда ҳосилдорлиги паст ерлар унумдорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли.

### Қишлоқ хўжалиги жадал суръатларда ривожланмоқда

2021 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми 317 триллион 781,6 миллиард сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 104 фоизни ташкил қилди. Мазкур соҳалардаги ўсиш суръатлари жадаллашуви, аввало, мамлакатда соҳага оид ислоҳотлар тизимли олиб борилаётгани, берилаётган имтиёз ва қулайликлар натижасидир.

Давлат томонидан аграр соҳани қўллаб-қувватлаш, иқтисодий манфаатдорликни ошириш бўйича амалга оширилган тизимли тадбирлар натижасида 2021 йилда 1 гектар майдондан ўртача 47,2 миллион сўм (ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп) даромад олинишига эришилди. 2021 йилда 22 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилди ва ўсиш 106,1 фоизни ташкил этди.

2021 йилда 514,8 минг гектар майдонда, жумладан, 197,4 минг гектар майдонда томчилатиб, 10,9 минг гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш, 5,9 минг гектар пахта ва бошқа экин майдонларида дискрет суғориш тизими жорий қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонларнинг 78,8 минг гектарида кўчма эгилувчан қувурлар ва 20,9 минг гектарида эгатга плёнка тўшаб суғориш тизимлари орқали суғориш ишлари олиб борилди.

Томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган 93,7 минг гектар пахта майдони учун 751,4 миллиард сўм субсидия ажратилди. Суғориш мавсуми давомида жами 10,4 миллиард куб метр ёки белгиланган режага нисбатан 2 баробар кўп сув иқтисод қилинди. Соҳада олиб борилаётган илмий-технологик изланишлар натижасида фойдаланилмаётган ерларнинг қайта фойдаланишга киритилиши ва янги технологиялар жорий этилиши соҳа ривожи учун хизмат қилмоқда.

### Кластерлар — фаровонлик манзили

Келгуси беш йилда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни камида 2 баробарга кўпайтириш, хомашёни қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 миллиард долларга етказиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини янада ошириш мақсад қилинган.

Табиийки, бунда кластерларнинг ўзига хос ўрни бор. Ушбу тизим қисқа вақт ичида катта эврилишларга замин яратди. Масалан, биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш 2,5, ип-калава ишлаб чиқариш 2, тайёр маҳсулот 3 баробарга ортди, экспорт 3 миллиард долларга етди. Пахта хомашёсидан тайёр маҳсулотгача бўлган босқичларни қамраб олган 2 миллиард долларлик 125 та янги корхона ҳамда 150 мингта доимий иш ўрни ташкил қилинди. Кластерлар 5 мингдан ортиқ замонавий русумдаги техникалар олиб келди, 126 минг гектар майдонда сув тежаш технологиялари жорий қилинди.

Мана шу каби ислоҳотлар фонида кластерларга ҳам бир қатор имтиёзлар жорий этилмоқда. Хусусан, кластерларга кредитлар 24 ой муддатга ажратилиб, унинг имтиёзли даври амалдаги 11 ойдан 18 ойгача узайтирилади. Кластер олган кредитини, хомашёни энг камида ип-калава ва матога айлантиргандан кейин қайтарадиган бўлди. Бу тизимни жорий этишга бюджетдан 10 триллион сўм йўналтирилиши кўзда тутилган. Шу мақсадда Қишлоқ хўжалиги жамғармасига қўшимча 100 миллион доллар ажратилади.



Хуллас, кластерлар томонидан ип-калавани қайта ишлаш даражасини келгуси икки йилда ҳозирги 50 фоиздан 70 фоизга етказиш мўлжалланган. Жумладан, матони бўяш ва аралаш мато ишлаб чиқарадиган ускуналар хариди учун корхона қувватига қараб, давлат ҳисобидан молиявий грантлар берилади. Бу лойиҳаларни кредитлаш учун қўшимча 150 миллион доллар маблағ ажратилади. 2022 йилдан ип-калавани қайта ишлайдиган кластерларга кредит олишда пахта хомашёси ва толасини гаровга қўйиш амалиёти жорий этилади.

### Деҳқон ва фермерлар даромади 2 баробарга оширилади

Маълумки, ғалла етиштириш ва сотишда бозор муносабатларига ўтилмоқда. 2022 йилдан ғаллачилик кластерлари ва фермерларга буғдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилиши мақсад қилинган. Бунда, кластер ва фермер хўжаликлари 3 йил давомида ҳар гектардан 2,5 тонна ғаллани биржа савдоларига чиқариши талаб этилади. Қолган ҳосилни тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилади.

Шунингдек, 2022 йилдан мева-сабзавот ҳосилини иқлим хавфидан суғурталаш бўйича суғурта компаниялари ўртасида танлов ўтказилади. Экспорт шартномаси бўлган кластер ва фермерларга суғурта мукофотининг 50 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади.

Таъкидлаш жоизки, 200 минг гектар паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонини қисқартириш ҳам режалаштирилган. Бу майдонлар аҳолига танлов асосида, узоқ муддатли ижарага берилади.

Келгуси йилларда қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш натижасида давлат аралашувига тўлиқ барҳам берилади. Хусусан, деҳқон ва фермерлар даромади камида 2 баробар ошириладди, қишлоқ хўжалигида ўсиш суръатлари 5 фоизга етказилади, деҳқонларни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратилади. Қишлоқ хўжалигида давлат қўллаб-қувватлови кенгайиб, суғурталашнинг янги механизмлари жорий этилади.

Янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш амалиёти йўлга қўйилади ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш асносида, интенсив боғлар майдони 3 баробар ва иссиқхоналар 2 баробар кўпайтирилиб, экспорт салоҳияти яна 1 миллиард долларга оширилади.

Бундан ташқари, жорий йилда Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ташкил этилади ҳамда илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилади. Шунингдек, агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар оширилади ҳамда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланилиши учун шароитлар яратилади.

Шу билан биргаликда, чорва учун озуқабоп экинлар майдони 2 баробар оширилади. Бунда, 11 миллион гектар яйловлар қайта тикланиши ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5-2 баробар кўпайтирилиши режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил. Шундай экан, соҳада модернизация ишларини жадаллаштириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан саналади. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид стратегиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу — халқ фаровонлигини таъминлаш йўлидаги муҳим жараён. Зеро, мазкур соҳа ривожида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар юртимизда деҳқон ва фермерлар даромади ўсишига, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда унумдорлик ошишига хизмат қилади.

КАСАНАЧИЛИК

# СУРХОН ЎРМАГИДАН ЕВРОПА БОЗОРЛАРИ САРИ ЙЎЛ

## Касаначилик — экспорт ҳажми, аҳоли бандлиги ва даромадлари ошишига хизмат қилмоқда

**Феруза ЖЎРАЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Кўпчилик ўзбек аёллари уй-рўзғор ишлари, болалар тарбиясидан ажралмаган ҳолда бирор юмуш билан шуғулланиб, рўзғорнинг кам-кўстини тўлдиришга ҳаракат қилади. Ҳунармандчилик қатъий белгиланган вақт давомида иш жойида бўлишни талаб қилмаслиги, яъни имконият ва шароитга қараб иш тутиш мумкинлиги сабаб, айниқса, қишлоқларда яхши йўлга қўйилган.**



Ҳунармандларнинг меҳнат шартномаси асосида ўз уйида ишлаши ёки хизмат кўрсатиши — касаначилик фаолиятида тадбиркорлар билан келишув асосида буюртмалар бажарилади. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад топиш имконини берувчи мазкур йўналиш махсус бинолар бўлишини талаб қилмаслиги билан ҳам қулай. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бундай ёндашув кекса ёшдагилар ва имконияти чекланганларнинг меҳнат қилишига тўсқинлик қилмайди. Чунки буюртма берадиган корхона хомашё ва ишлаб чиқариш учун зарур материалларни етказиб бериб, тайёр маҳсулотни олиб кетади.

Тўқувчилик, каштадўзлик, тикувчилик, умуман олганда, қўл меҳнатини талаб қилувчи ҳунар турларини ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳунармандлик учун зарур асбоб-ускуналардан фақатгина корхоналарда эмас, балки уйда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Мана шундай устунлик иш берувчи ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги келишувларни осонлаштиради. Банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишнинг самарали воситаларидан бири бўлгани боис, мазкур фаолиятга қизиқувчилар сони ортиб бормоқда.

Жундан ип йигириб, турли рангларга бўяб, ўрмак қуриш қишлоқ аёллари учун бегона иш эмас. Болалигимда қиш кезлари бувим ва онам урчуқ йигириб калава қилар, кунлар исиши билан эса гилам тўқиш учун ҳозирлик кўрарди. Камалак мисоли терилган рангли ипларга қараб тўймасдик. Табиий хомашёлардан қўлда тўқилган гилам қишда иссиқ, ёзда салқин сақлаши билан турдошларидан ажралиб туради. Маҳсулотнинг харидори кўплиги ҳам шундан.

Ерга ўрнатилган ёки тик ҳолатдаги дастгоҳга жойлаштирилган асос ипга рангли ипларни тугиш, йўналишлар бўйлаб ўтқазиш орқали турли нақшлар, гулларни тасвирлайдиган гиламдўзлар ишини кузатишнинг ўзи мароқли. Термиз туманининг Орол маҳалласида фаолият юритиб келаётган “Остона гиламчи” оилавий корхонаси раҳбари Дилафрўз Валлаева ана шундай қизиқарли ва даромадли иш билан шуғулланади. Мазкур корхонада ипак ва жундан миллий гиламлар тўқилади. Эътиборлиси, ҳунарманд маҳалладаги 150 нафар хотин-қизнинг буюртма асосида уйда ўтириб ишлашини таъминлаган. Қолаверса, ҳунар ўрганиш истагида бўлганларга касб сирларини бепул ўргатиб, уларни ўз корхонасида ишга олиб қолади.

— Авваллари хомашёни сотиб олардик, — дейди корхона раҳбари. — Ҳозир эса жун маҳсулотини маҳаллий аҳолидан йиғиб олиб, уй шароитида қайта ишлаш орқали таъминот занжирини яратдик. Ўқув курсларида дастлаб гиламчилик учун зарур бўлган табиий жунни тозалаш, йигириш, бўяш ва гилам тўқиш бўйича дарслар ўтамиз. Ҳунарни мукаммал эгаллаган хотин-қизларни эса бошланғич хомашё ва жиҳозлар билан таъминлаймиз. Бир нафар ишчи бир кунда 3-5 кило ипни қайта ишлаб, чарxда йигиради. Бу борада импорт маҳсулотга умуман эҳтиёжимиз қолмади. Маҳалламизда деярли барча хотин-қизлар вақтдан унумли фойдаланиб, даромад топишга интилади. Ҳаттоки кекса онахонларимиз ҳам буюртмаларни қабул қилиб, ўз вақтида тайёрлаб беради. Нақш эскизининг содда ёки мураккаблиги ҳамда катта-кичиклигига қараб гилам тўқиш турлича вақт талаб қилади. Қўл меҳнати, кўз нури ҳамда узоқ даврда тайёр бўлгани учун ҳам маҳсулотларимиз юқори баҳоланади. Ўсимлик бўёқларидан фойдаланамиз, бу гиламларнинг янада нафислиги ва рангининг ўзгармаслигини таъминлайди.

Корхонада бир ой давомида 3 минг квадрат метргача гилам тайёрланиб, асосан, Туркия, Буюк Британия, Польша ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Маҳаллий аҳоли “Остона гиламлари”ни яхши билади. Дилафрўз Валлаева машҳур ҳунармандлар сулоласининг бешинчи авлоди. Оилада гиламдўзлик қадимдан санъат даражасига кўтарилган ва ардоқлаб келинган.

Шу йил 1 март куни Президентимиз раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Касаначилик асосида ишлашга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларга рухсат берилгани аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

— Иш берувчиларга ҳар бир касаначи аёл учун 3 миллион сўмгача субсидия ажратилишини эшитиб, рости, роса қувондим, — дейди Д. Валлаева. — Қўшни маҳаллалардан ҳам иш сўраб келувчилар кўп, аммо дастгоҳларимиз етарли эмас. Ажратиладиган маблағ ҳисобига зарур ускуналарни харид қилиб, фаолиятимни янада ривожлантираман. Яқинда Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида ҳам ўқув маркази ташкил қилдик. Юртимизнинг барча вилоятларида мана шундай масканларимиз бўлади.

Нисбатан машаққатли иш — гиламдўзлик тўқувчидан дид, маҳорат ва энг асосийси, сабрли бўлишни талаб қилади. Қадимий ва бой тарихимиз, бетакрор қадрият ва анъаналаримиз тимсоли бўлган ушбу йўналиш иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаши билан ҳам устунликка эга. Ҳунарни эъзозлаб, уни даромадли фаолиятга айлантирган, қолаверса, кўплаб аёллар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келаётган Дилафрўз Валлаева жорий йилнинг 5 март куни Президентимизнинг “8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига кўра “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Мана шу ишонч тўқувчининг янада кўпроқ меҳнат қилиб, жаҳон бозорларини миллий маҳсулотларимиз билан тўлдиришга ундайди.

Дарвоқе, юртимиз ҳунармандлари томонидан тайёрланган гиламлар гўзаллиги, чидамлилиги, бир неча асрлар давомида ўзгармаслиги боис, довруғи дунёга кетган. Чет эллик сайёҳларнинг ҳайратига сабаб бўлган маҳсулотларнинг ҳунармандчилик кўргазмаларида ҳам ўз ўрни бор.

Президентимизнинг 2020 йил 26 июндаги “Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани янада ривожлантириш ва ҳунармандларга субсидиялар ажратиш орқали уларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, маҳсулотни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатлари учун 50 фоизгача миқдорда субсидия тақдим этилиши ҳунармандларнинг харажатини камайтириш, тежалган маблағ ҳисобидан фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ишлаб чиқаришда замонавий технологияларнинг ўрни тобора ортиб боришига қарамай, қўл меҳнатига асосланган буюмларга бўлган талаб пасайгани йўқ. Шерободлик ҳунарманд Гулмира Раҳмонова оддий илгак ва калава-ипдан фойдаланиб, қўғирчоқлар, турли кийимлар, сумка ва оёқ кийимларини тўқийди. Кенг тасаввур, маҳорат ва машаққатли меҳнат эвазига тайёрланаётган бежирим маҳсулотлар сифатли бўлгани учун ҳам бозори анча чаққон.

— Тўқувчилик билан болалигимдан шуғулланмаганман, — дейди Г.Раҳмонова. — Асл касбим — ҳисобчи. Уч йил аввал интернет тармоқларига жойланган тўқувчилик дарсларини кузатиб, шу ҳунарга қизиқишим ортди. Қисқа вақтда ўрганиб, Республика ҳунарманд уюшмасига аъзо бўлдим. Шундан сўнг турли ҳунармандчилик кўргазмаларида иштирок эта бошладим. Интернет тармоқлари орқали ҳам буюртмалар қабул қилишни йўлга қўйганман. Шунчаки қизиқиш билан бошлаган ишим тадбиркорлик фаолиятига айланди, харидорлар кўпайди. Туманимиз ҳокимлигидан масъуллар келиб, ўқув маркази ва ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилиб беришини айтганида, қувониб кетдим. Ишсиз аёллар билан ҳам шартнома асосида ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Биргина илгак ва калава-ип бўлса бас. Катта ускуна, кўплаб хомашё талаб қилмаслиги сабаб касаначиликни йўлга қўйиш анча қулай ва осон. Мен бир кишига ҳунар ўргатсам, шогирдим бошқа бир қизиқувчига ўргатади. Шу тарзда ҳунар оммалашиб, кўпчилик ишли бўлади. Шунинг учун ҳам қўл меҳнатини қадрлайман.

Табиатан камгап, камсуқум бўлган Г.Раҳмонова ўз кечинмаларини, ижодини тўқиётган буюмлари орқали ифодалайди. Маҳсулотларини юртимизнинг барча вилоятлари ва қўшни давлатларга ҳам буюртма асосида етказиб беради.

Ҳозирда ҳунарманд қиз раҳбарлигидаги ўқув курсларида элликдан ортиқ хотин-қиз бепул ўқитилмоқда. Улар касаначилик сирларини мукаммал эгаллагач, ишлаб чиқариш корхонасида фаолият юритиши ёки ўз бизнесини йўлга қўйиши ҳам мумкин. Чиройли ва сифатли тўқилган кийимлар, экологик тоза маҳсулотдан тайёрланган миллий либосдаги қўғирчоқлар харидорининг катта қисмини сайёҳлар ташкил қилади. Қўғирчоқлар ҳақида “Етти қизнинг онаси ҳалигача келинчак”, деган жумбоқ бор. Буюмнинг узоқ вақт ўзгармаслиги, “қаримаслиги”дан шаклланган топишмоқ ҳунармандлик буюмларига ҳам мос келади: қанча вақт ўтса-да, янгилигини йўқотмайди.

Халқимиз “Барокат — мағизда, ҳунарли қўл — оғизда”, дейди. Ҳамма даврларда ҳам уйда ўтирган ҳолда даромад топиш имконини берувчи касаначилик қадрли бўлган. Зеро, замонлар оша такомиллашиб келган бу фаолият ҳозир ҳам аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ

# ОНГУ ТАФАККУРИМИЗ, ҲАЁТГА МУНОСАБАТИМИЗ ЯНГИЛАНЯПТИ

**Отабек ОМОНОВ,**
**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали директори вазифасини бажарувчи**



**Бугунги кунда олий таълим тизимини такомиллаштириш, ўқитиш сифатини ошириш долзарб масалага айланган. Зеро, бу масалага ечим топмай туриб, тараққий этган жамиятни, билимли авлодни шакллантириб бўлмайди.**
**Шу боис, давлатимиз раҳбари таълим-тарбия ҳаёт-мамот масаласи эканини қайта-қайта таъкидламоқда ва буни кечиктириб бўлмас вазифа сифатида қўймоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони эса мамлакатимиздаги оламшумул ислоҳотларга қўйилган тамал тоши бўлди.**

Хусусан, ёшларни қўллаб-қувватлаш, мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш, 2022 йилда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга кўтариш белгиланди. Бундан ташқари, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандини юбораётган ота-оналарнинг даромад солиғида имтиёзлар бериш, давлат-хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш каби қатор масалалар эртанги кунга катта умид ва ишонч уйғотди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етук кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларидан биридир. 2020 йилда муассасанинг илмий салоҳияти 23 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 33 фоизга етди. Филиал таркибида битта академик лицей ҳамда битта техникум фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, филиалнинг 15 нафар профессор-ўқитувчиси ТАТУ ва бошқа ОТМларда докторантура ва таянч докторантурада мустақил изланувчи сифатида ўқишга қабул қилинган. 2021 йилда олти профессор-ўқитувчи PhD диссертациясини ёқлаган, 60 нафари илмий тадқиқот олиб бормоқда. Профессор-ўқитувчилар томонидан Scopus ва Web of Science базасига киритилган халқаро илмий журналларда кўплаб мақолалар чоп этилиб, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий конференциялар учун мақола ва тезислар тайёрланди. Интеллектуал мулк агентлигидан 24 та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган ва 6 та монография чоп эттирилган.

Бугун ТАТУ ва унинг Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ҳамкорликда жами қиймати 998977 еврога тенг, 2019–2022 йилларга мўлжалланган “New study in program space system and communication engeeniring” халқаро лойиҳасини амалга оширмоқда.

2021 йилда иқтидорли талаба-ёшлардан 3 нафари давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланди. Жумладан, 1-босқич магистранти Ситорабону Аҳмадова Зулфия номидаги давлат мукофоти, 2-босқич магистранти Фаррух Қодиров “Мард ўғлон” ҳамда 3-босқич талабаси Руслан Рустамов “Шуҳрат” медали соҳиби бўлди. Шу билан бирга, 3-босқич талабаси Зарина Мансурова “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” III республика танловида ғолибликка эришди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида иқтисодиётнинг барча соҳаси ва ахборот технологиялари ўртасида синергия яратиш мақсадида олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва IT парклар ҳамкорлигини кенгайтириш топшириғини берган эди. Шу боис, университетлар ёш ихлосмандларга ўз ғояларини инновацион лойиҳаларга айлантиришда ёрдам берадиган Инкубация марказларини ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозир ТАТУ Қарши филиалида ҳам Инкубация маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда талабалар нафақат ўз ғоя ва лойиҳаларини амалга ошириш ёки устоз, мураббий ва мутахассислардан ёрдам сўраш, балки стартап экотизимни, тадбиркорлик муҳитини тўлиқ ҳис қилиш имконига эга бўлди.

Энди филиал кредит-модуль тизимига тўлиқ ўтказилади ва янги замонавий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари очилади. Кадрлар илмий салоҳияти 40 фоизга етказилади, ёш ўқитувчиларнинг 8 нафари фалсафа доктори (PhD), 2 нафари фан доктори (ScD) диссертация ишларини ҳимоя қилади. Шу билан бирга, филиалда рақамли технологияларга ўқитиш маркази фаолияти йўлга қўйилади. Халқаро рейтинглар базаси (UniPage World University Ranking-732, QS World University Rankings-707) га кирган нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ривожлантирилади. 400 ўринли талабалар турар жойи барпо этилади.

Бу истиқболли режаларимиз самараси ўлароқ, ўқувчи-ёшларимиз мукаммал билим олиб, берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишади. Зеро, мақсадимиз таълим муассасалари рақобатбардошлигини таъминлаш орқали меҳнат бозорига замонавий ва касбий билимларни чуқур эгаллаган, етук, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашдир.

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

# ЎЗГАРИШИМИЗ КЕРАК!

**Фозил ФАРҲОД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг матбуот котиби**





**Ҳаммаси 2021 йилнинг 20 июнида “Соғлом турмуш тарзи” иловасини телефонимга юклаб олганимдан сўнг бошланди. Ўша кундан камида 10 минг қадам юриш кундалик тартибимизга кирди. Кўпинча оилавий, гоҳ дўстлар, гоҳ ёзувчи-шоирлар билан бирга Ёзувчилар уйи яқинидаги Оқтепа анҳор бўйида юришни одатга айлантирдик. Асосан, оқшом маҳали, кечки овқатдан кейин юрамиз. Айниқса, ёз кунлари сув бўйи ва дарахтлар остидаги йўлак салқин, юриш ва суҳбатлашиш учун қулай жой.**

Пиёда юриш бошқаларга ҳам одат бўлсин, дея ижтимоий тармоқдаги саҳифам ва телеграм каналимда бу ҳақда кичик-кичик хабарлар ёза бошладим. Шундан сўнг 10 минг қадам юришга қизиқувчилар кўпайди. Ҳатто ўша иловани ўрнатиб беришимни сўраб, маслаҳат солганлар бўлди. Уларга қўлимдан келганча ёрдам бердим.

Иссиқ кунлар тугаб, куз, сўнг қиш бошланди. Аммо юришни тўхтатмадим. Кўпинча шерик бўлмаса ҳам ўзим юравердим. “Қиш куни бўлса, иссиқ уйда маза қилиб ётмайсизми”, деганлар ҳам бўлди. Йўқ, юриш одатингизга айланса, уйда ўтира олмай қолар экансиз.

### “Мен — маърифатсизман!”

2021 йил декабрь ойида адабиётчи Раҳимжон Раҳматнинг ижтимоий тармоқда ёзган шу гапи менга қаттиқ таъсир қилди: “Бизда бой ва камбағалнинг битта ўхшаш томони бор — иккаласи ҳам семиз, чунки иккаласиям маърифатсиз”.

Менинг ҳам вазним 110 кило эди. “Токи озмас эканман, ўзимни маърифатли санай олмайман”, дея ўзимга-ўзим сўз бердим.

Касбдошим Отабек Муҳаммадийга кўпчилик юришга чиқмаяпти, деб ёзғирсам: “Бизнинг дардимиз — овқат. Кўп овқат еган одамга кўп ҳаракат ёқмайди”, дея жавоб қайтарди. Бу гап қанчалик аччиқ бўлмасин, лекин ҳақиқат эди.

Ўша кунлари мен билан бирга ишлайдиган бир опа турмуш ўртоғи семизлик ортидан қанд касали ва инсульт бўлиб қолганини айтди. 53 ёшида ишламай, уйда ўтирибди экан. Бу гап менга “огоҳлик қўнғироғи” бўлди.

Мана шу воқеалардан сўнг ортиқча вазним борлигини тан олдим ва бу оғир оқибатларга олиб келишини англадим.

### Тан ва руҳиятим тозарди

Мана, ортиқча вазнсиз кунларим бошланди-ю, танам яйраяпти, кайфиятим, руҳиятим кўтарилди, яшашга бўлган иштиёқим ошди. Аввал бирор юмушни бажаришга ҳафсалам бўлмасди. Энди ҳаммаси яхши томонга ўзгарди. Ҳар бир ишни зўр иштиёқ билан бажаряпман.

2021 йил май ойида вакцина олиш учун қон босимимни ўлчатгандим: 140 га 100 чиқди. Кардиолог дори ёзиб берди, ичдим, фойдаси бўлмади. Бир ойдан сўнг такрор ўлчатдим. Ўзгариш йўқ. Вазним ортиб, қоним қуюқлашиб, ферментларим ошиб кетгани учун ҳам шундай бўлаётган экан. Ҳозир қон босимим 120 га 80. Яъни соғлом давримдагидай.

Тез озаётганимни кўрган дўстларим бирор касаллик орттириб оласан, дея мендан хавотирга тушди, бу ҳолат жигарни зарарлаши ва ўт пуфагида тош йиғилишига олиб келиши мумкин эмиш. Ички аъзоларимни УТТ қилдиришни маслаҳат беришди. Йўқ демадим: жигар, ўт пуфаги ва буйрагим яхши экан. Аввалги йиллари УТТчи жигарим катталашгани ва ёғ босганини айтганди. Бир дунё дори ҳам ичиб кўрганман, аммо фойдаси бўлмаган. Ортиқча вазним камаяётгани учун энди бу хавф йўқ.

Оч юрмадим. Овқатланишни тартибга солдим, камайтирдим, нон ва нон маҳсулотлари, шакар ва ширин егуликлар, аччиқ нарсалардан тийилдим, холос. Мендан хавотир олганларни тинчлантирдим: ҳаммаси жойида.

Шу тариқа жорий йил 10 январдан қатъий парҳезга ўтдим. Кунига 2-3 литргача сув ича бошладим. Натижада 2 ой ичида 13 кило ортиқча вазндан қутулдим. Ҳозир 97 киломан. Мақсадим 85 килога тушиш.

Хуллас, соғлом ҳаётни бошладим. Бу ёғига нафсимни жиловлаб, шу тартибда яшамоқчиман. Нафсимни енгмасам, нафс мени енгади.

### Пиёдалар клубини туздик

2022 йил январь ойида маҳаллий сайтлардан бирининг мухбири Илёс Сафаров мен билан кечки сайрга чиқиш истагини билдирди. Икковлашиб юра бошладик. Юришимизни рамзий маънода ҳамда бошқаларга ўрнак бўлар ё туртки берар, деган мақсадда “Пиёдалар клуби”, деб номладик.

Клубимиз аъзолари ҳар куни 10 минг қадам юришни, фақат ва фақат соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади. Бошқа ҳеч қандай мақсадни кўзламайди. Биз адабий-бадиий, ижодий-маданий, ижтимоий-сиёсий, спорт ва соғлом ҳаёт ҳақида суҳбатлашамиз. Кейин-кейин сафдошларимиз сони ортди: Беруний Алимов, Сарвар Очилов, Ғиёсиддин Ўнар, Шоди Отамурод, Сардор Усмоний, Сурайё Сатторова.

Биз фақат юриш билан чекланиб қолмасдан, сув ҳавзасида сузишни ҳам йўлга қўйдик. “Бўрижар спорт” сузиш ҳавзасига кунора ё уч кунда бир сузишга боряпмиз. Масалан, ўзим ҳар борганда 25 метрли бассейннинг бу бошидан у бошига 30 марта бориб келяпман. Яъни, 1,5 чақирим сузяпман. Шунинг ортидан белимдаги диск чуррам оғримай қўйди. Яна бир дард мендан чекиняпти.



### Олий мақсад

Инсульт касалини бошидан ўтказган ёзувчи акамизга шифокори кунига 7 чақирим юришни тавсия қилибди. Шунда одам соғлом бўлар экан. 7 чақиримни қадамларга ўгириб кўрсам, бу 10 минг қадамлик йўл бўларкан. Демак, одам касал бўлмаслик учун ҳам ҳар куни шунча йўлни босиб ўтиши шарт.

Бизнинг олий мақсадимиз — пиёда юришни халқимиз орасида кўпроқ тарғиб қилиш. Миллат танаси, гени ва руҳини соғломлаштиришга ҳисса қўшиш.

Ватандошларимизга бундай дегим келяпти: юришни худди уч маҳал овқатлангандай, кундалик одатга айлантиринг. Ишонинг, бу қийин эмас. Эплайсиз. Юрсангиз, соғлом бўласиз, дардлар сизни четлаб ўтади, қонингиз суюқлашади, қон босимингиз меъёрлашади, миянгиз яхши ишлайди. Бош ғийбат ва ёмон фикрлардан тозаланади, юракка тоза ҳаво киради. Кўп овқат ейиш дардини унутинг, китоб ўқишга одатланинг ва маърифатли одам бўлинг.

Биз ўзгаришимиз керак. Учинчи Ренессанс остонасида қорин қайғусидан ақлий камолот йўлига ўтишимиз зарур. Шунда соғлом ва кучли миллатга айланамиз, иншааллоҳ.

## ЯНГИЛИК

# ТУНИСЛИК ИХТИРОЧИ ЯРАТГАН ТЕХНОЛОГИЯ

## ОРОЛБЎЙИДА СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда сув тежайдиган технологияларни қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалаларни ҳал қилишда Президентимизнинг жорий йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этяпти.**



Қарорга асосан, 2022 йилда 478 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий қилиниб, бу ишлар учун республика бюджетидан 1 182,4 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Бугун ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентини ошириш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда суғоришда тежамкор технологиялардан фойдаланиш Оролбўйи ҳудудида энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Қорақалпоғистон шароитида томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш каби технологиялар синовдан ўтказилиб, амалиётда қўлланила бошланди.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг “Саманбай” илмий-ишлаб чиқариш участкасида Тунис давлатидан келган ихтирочи олимнинг ер ости суғориш технологияси синовдан ўтказиляпти.

Буриед Диффусер (Buried Diffuser) деб номланган бу инновацион технология қурғоқчилик таъсирига учраган ҳудуд — Тунисда яратилган. Ушбу технология жорий қилинса, ерга томчилатиб суғориш учун зарур бўлган сув ресурсларининг тенг ярмини сарфлаб, юқори ҳосил олиш мумкин бўлади. Бу технология мевали дарахтларни, полиз экинларини ва контейнерлардаги ўсимликларни суғоришга мўлжалланган.

— Бугунги кунда “Саманбай” илмий-ишлаб чиқариш участкасида ушбу технология унинг ихтирочиси тунислик Беллачхеб Чахбани иштирокида синовдан ўтказилмоқда, — дейди марказнинг мелиорация ва сув хўжалиги бўлими мудири Исмаил Асанов. — Сув қувурига уланган диффусер ускунаси дарахтлар ва полиз экинлари экиладиган жойга кўмилади. У ер остида сувни фильтрлаш ва тақсимлаш, суюқ ўғитларни гравитацион инъекциялаш, яъни тўғридан-тўғри илдизга етказиб бериш, суғоришга ишлатилган сувга ҳаво етказиб бериш ва суғоришни бошқаришнинг интеллектуал тизимларига эга. Унда симсиз сенсорлар ва трансмиттер технологиясидан фойдаланилади.

— Экинлар ернинг устидан суғорилганда намликнинг 70 фоизи буғланиб кетиши мумкин. Унинг олдини олиш учун ушбу технологияни ишлаб чиққанмиз. Қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудлардаги турли фермер хўжаликларида ўтказган тажрибаларимизда бу технологиянинг афзалликлари исботланди. Ҳозирда фермерлар билан шартнома тузиб, 20 гектаргача бўлган ерларга ушбу технологияни ўрнатдик, — дейди Беллачхеб Чахбани. — Биз, асосан, АҚШ, Марокаш ва Франция давлатларига диффусер ер ости суғориш технологиясини етказиб берамиз. Энг муҳим жиҳати, кўмилган диффусерлар ёрдамида дарахтларни суғоришда тежамкорлик 100 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон билан ҳам узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Кўмилган диффусер анъанавий сув босими каби тортишиш кучи билан ишлайди. Гравитациядан фойдаланганда суғориш кўп кунлар давомида тўхтовсиз амалга оширилади. Технологиянинг яна бир фойдали жиҳати, уни ишлатганда қиммат насослардан фойдаланилмайди ва шу сабабли хизмат кўрсатиш харажатлари йўқ.

Буриед Диффусер усулидан иссиқхоналарда фойдаланилганда сув буғланиши умуман кузатилмайди. Бу эса ўсимликлардаги турли касалликларнинг ривожланишини камайтиради. Шунингдек, гулчангларнинг ҳаракатланишини осонлаштиради ва мева ҳосил қилиш тезлигини оширади. Бундан ташқари, экинлар ҳосилдорлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

— Дарахтлар ва экинларни суғоришда шўр сувдан фойдаланилганда тупроқ шўрланиб, ҳосилдорлик ва тупроқ сифатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Буриед Диффусер бу таъсирларни фаол равишда камайтира олади, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистранти Ақсунгул Кеулимжаева. — Мутахассислигим — тупроқшунослик. Шу сабаб ушбу суғориш тизими тупроқнинг яхшиланишига олиб келиши мени жуда қизиқтирди. Тақдим этилаётган технологиянинг фойдали жиҳатлари кўп.

Айтиш жоиз, “Buried Diffuser” технологияси Марказий Осиёда илк маротаба синовдан ўтказилмоқда. Тажрибалар муваффақиятли якунланса, кейинчалик ушбу технология минтақадаги бошқа давлатларда ҳам жорий этилади. Энг муҳими, илмий ёндашувлар орқали аниқ ва керакли сув сарф қилиниб, мўл ҳосил олинишига эришилади.



## 21 МАРТ — НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ КУНИ

**Халқимиз ҳаёти, тарихи, маданияти, санъатининг ажралмас қисми Наврўз ўта қадимий бўлиши баробарида ҳар йили турмушимиз, ақлимиз, қалбимизда тобора янгиланиб, англаниб борадиган улуғ ва навқирон байрамдир. Наврўз мавсумий маросим, янги йилнинг бошланиш кунидир.**

# ЙИЛБОШИ ҚУТЛИ БЎЛСА, емишинг тотли бўлади

**Шомирза ТУРДИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

> **Аслида табиатдаги уйғониш — ҳар бир янги йилнинг бошланиши инсон тани ва руҳида борлиқнинг мангу даврий ҳалқасидаги янгиланишни ҳис этиб яшай билишида, ҳар бир шахснинг табиат фарзанди эканини унутмай, руҳан юксала билишида, маънан софликка эришишида кўринади.**



Давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 февралдаги “2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида “Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини тобора чуқур англаб бораётган янги Ўзбекистон шароитида Наврўз том маънода умумхалқ байрамига айланиб, эл-юртимиз томонидан катта шоду хуррамлик билан нишонланмоқда”, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Чунки бугунги шароитда халқларни бирликка, аҳилликка, бунёдкорликка чорловчи, умуминсоний ғояларни тарғиб этувчи, барча миллатларга, маҳаллаю оила ва ҳамма дилларга эзгулик уруғини қадовчи, бу уруғнинг униб ҳосил беришига камарбаста бўлувчи бошқа бирор кўҳна қадриятни топиш мушкул.

Асл туғма қадриятлар халқнинг қонида яшайди. Наврўз маросими, удумлари, қўшиқлари, анъаналари халқимиз ҳаётига шу қадар сингишганки, уни идрок этиш халқни таниш баробарида амалга ошади. Инсонни, табиатни, жамиятни бир бутунликда англаш, ушбу бирлик занжири фазовий камолот йўли эканини уқиш, кўриш Наврўзнинг мазмун-моҳиятини, фалсафасини тушуниш орқали рўёбга чиқади. Авлодларга ҳар нафасда ўйинг, сўзинг, амалинг бир-бирига мос эзгу бўлсин, деб уқтириб келган халқнинг хотираси Наврўз каби байрамлар тимсолида ҳар йили янги қувват ҳосил қилади.

Наврўз шунчаки тун-кун тенг келган дам эмас. Балки ҳар бир инсоннинг ўз танасида, томирида, ҳужайраларида, руҳида бор тирикликнинг бир дам тин олиб, қайта уйғонаётган улкан фазовий қувватни ҳис қилиб, унинг ҳаракатга келишига ўз қувватини пайванд этиш дамидир. “Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема”, деб куйлаган бахши ана шу лаҳзалар, онлар, лаззатидан завқу шавққа тўлиб англаган ҳақиқатларини баён этган.

Аслида табиатдаги уйғониш — ҳар бир янги йилнинг бошланиши инсон тани ва руҳида борлиқнинг мангу даврий ҳалқасидаги янгиланишни ҳис этиб яшай билишида, ҳар бир шахснинг табиат фарзанди эканини унутмай, руҳан юксала билишида, маънан софликка эришишида кўринади. Бу эса Наврўзнинг мазмун-моҳиятини, фалсафасини ташкил қилади.

Биз яшаётган уч ўлчамли дунёда вақтни сония, соат, кун, ҳафта, ой, йил, аср, эраларга ажратиб белгилашга кўникканмиз. Қадимдан инсоният кўк ва ерда вақтнинг муайян бир босқич, ҳалқаларда узлуксиз айланиб қайтишини кузатиб, ана шу ўлчамларни белгилаган. Тўплаган билим ва тажрибаларини авлодларга мерос қолдирган. Ҳали ёзув пайдо бўлмаган даврларда аждодлар табиат ва жамият ҳақидаги билимларини оғзаки ижоднинг қуйма шаклларида, маросим ва байрамлари мазмун-моҳиятида авлодларга етказишган. Наврўз байрами билан боғлиқ маросим, урф-одатлар халқимизнинг ана шундай билимлари меваси ҳисобланади. Халқнинг ушбу “катта йил” тизимини аниқ тасаввур этмай, Наврўз маросимларини бутунлигича идрок этиш қийин. Дунёнинг барча халқларида йилни фаслларга, мавсумларга бўлишнинг қуёш ва ой ҳаракатига уйғун тақвимлари амал қилади. Халқимиз ўртасида қадим-қадимдан мана шу иккита тақвим кенг қўлланиб келади. Сўзлаганимизда Ерни она, Қуёшни бобо деймиз. Нонни қуёш, ризқ-барака тимсоли сифатида эъзозлаймиз. Чунки Қуёш — ҳаёт асоси: жами тирикликка зарур ёруғлик, иссиқлик манбаи, кун ва тун, фасллар мароми, уч ўлчамли макондаги вақт мезони, Қуёш сўнган куни Ерда ҳаёт ҳам тугайди — қиёмат қўпади, деб биламиз. Шу боис, халқимизнинг Наврўз байрами билан боғлиқ билим ва тасаввурларида Қуёшга интилиш, нурга талпиниш билан боғлиқ азалий эзгу анъаналар қизил ипдай барча тушунчалар ўзагида тунганини кўрамиз.

Наврўзни қуёш тақвимига асосланган байрам, дедик. Қуёш тақвими эса қуёшнинг қиш ва ёз ойларидаги ҳаракатига бўйсунади. Ёз ва қиш сўзлари ҳам қуёшнинг йил давомидаги ҳаракати изоҳи сифатида, яъни 22 декабрдан 21 июнгача кундуз ёйилиб кун узайиш даврини — ёйилиш-ёзилиш мавсуми, ёз деб аташган. Аксинча, 22 июндан то 22 декабргача бўлган вақт кундуз сиқилиб-қисилувчи кунларга қиш номи берилган. Фасл маъносида эса ёз (кўклам) кун ва тун тенг келган вақт — 21 мартдан 22 сентябргача, қиш (куз)ги кун ва тун тенг келган вақт — 22 сентябрдан 21 мартгача даврни қамраб олган. Қадим халқ тасаввурига кўра, ёз ботинида қиш, қиш замирида ёз етилиб туғилади, табиат — қиш ва ёзнинг мавсумий “ўлиб-тирилиши” давомида узлуксиз ўрин алмашиниб келади, деб англанган, талқин этилган. Ҳар бир мавсумнинг бошланиши ва якуни — 21 март ва 22 сентябрь кунлари байрам қилинган. Ёз ва қиш ўз тимсоллари, маросими, таомларига эга бўлган. Ёз мавсумининг байрами —



Наврўз — Йилбоши бўлса, қишнинг байрами Сомон тўй — Меҳржон ҳисобланган. Бойчечак олқишида “Омонлик, сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик”, деб билдирилган тилакдаги “омонлик ва сомонлик” сўзларини “йилнинг боши ва сўнгги яхшилик бўлсин”, деб англаш тўғридир.

Ёзнинг илк маросими — “бойчечак гули”, қиш маросими — кўпкари (кўкбўри) ўйин, тантана шаклида яшаб келмоқда. Ёз ва қишнинг инсоний тимсоли қизу йигит, ҳайвоний тимсоли эчки ва бўри, ўсимлик тимсоли бойчечагу уруғ, самовий тимсоли Қамбару Ҳулкар юлдузлар туркуми, муқаддас маросим таоми сумалак ва ёрма (ҳалим) ҳисобланади. Ушбу тимсоллар барча ёз ва қиш маросимлари, айтимлари, мақол ва афсона ривоятларида бадиий шаклда яшаб келмоқда. Қуйидаги қўшиқ, мақолларга диққат қилинг: “Ёмғир ёғалоқ, эчки чақалоқ, бойнинг қизининг қорни юмалоқ”, “Наврўз келди, ёз келди”, “Йилбоши — барака боши”, “Йилбоши қутли бўлса, емишинг тотли бўлади”, “Наврўз куни олқиш олсанг, йил бўйи ишинг унар”, “Йилнинг қандай келиши Наврўздан маълум”, “Наврўз сайли — эл сайли”. Ёз ва қишнинг ички бўлинмалари, уларнинг номлари, кириш-чиқиш муддатларини ушбу атама ва мақоллар аниқ кўрсатиб турибди. Масалан, қишнинг уч ойи “тўқсон” деб номланади. Мақол қиш тилидан гапиради: “Тўқсонимда тўқсон кун турланаман”. Тўқсоннинг ичида қиш чилласи ўтади. Фалакшунос Саид Баҳром Азизов халқ орасида маълум бу ҳисобни йилнинг 365 куни баробарида “чилла тақвими” номи билан қуйидаги тартибда тасниф этган:

| Ёз | Қиш |
|---|---|
| 26. 06 — 04.08 = 40 чилла | = 40 = 26.12 — 03,02 |
| 01. 06 — 29. 08 = 90 тўқсон | = 90. 01.12 — 28.02 |
| 01. 06 — 08. 09 = 100 юз кун | = 100. 01.12 — 10. 03 |
| 01. 06 — 21. 09 = 113 деҳқон ҳисоби | = 110. 01.12 — 20. 03 |
| 21. 03 — 31. 05 = 72 = ўтиш даври | = 70. 22.09 — 30. 11 |
| 21. 03 — 21. 09 = 185 — 365 | = 180. 22.09 — 20. 03 |

Ўз навбатида, тасниф доиравий жадвалда аксини топган. Халқимизнинг “қуёш тақвими”га тегишли айтим, нақл, афсона ва эътиқодий қарашларини ушбу таснифга тизиб чиқилса, масала янада ойдинлашади. Хусусан, замонлар ўтиши давомида муайян узвлари унутилган Айёми азиз, Аҳман, Даҳман, Эзим, Қирман, Нозим (Нос куни) ва Наврўз билан якунланувчи даврий тизим жадвалида тўқсон (90)дан сўнг 100, 110+3 деб кўрсатилган 23 кунга тўғри келади. Жадвал ва таснифда ушбу кунлар номи келтирилган бўлмаса-да, муддат аниқ белгиланган.

Таснифда акс этганидек, тўқсон 28(29) мартда чиқади. Айёми азиз куни эса 26 март куни киради. Ушбу сана Абу Райҳон Беруний томонидан ҳам қайд этилган. Халқ ўртасида эса “Айём азиз тўқсондан уч кун илади”, деган қараш мавжуд. Бу эса айнан 26 февраль кунига тўғри келади. Жадвалда белгиланган юз кун муддат Айёми азиз кунларининг ниҳоясини белгилайди. Халқ айтимларидаги:

*Аямажуз олти кун,*
*Ётиб қолса етти кун,*
*Сакраса саккиз кун,*
*Тўкранса тўққиз кун.*
*Ўкранса ўн кун,*
*Ўтириб кетса ўттиз кун,*
*Қайрилиб кетса қирқ кун,*

деб нақл этилиши ўзагида ўн уч кунлик муддатга ишорат бор. Лекин олти, етти, тўққиз, ўн, ўттиз, қирқ саноқларида Айёми азиз даври об-ҳавосига ишорат кўпроқ. Жадвалдаги 110 га қўшилган 3 кун ҳисоби Айёми азизнинг тўқсондан илган 3 кунлик муддатига тегишли. Айёми азиздан кейинги Аҳман, Даҳман, Эзим, Қирман, Нозим узвларига ўртача икки кундан тегади. Сўнгра Наврўз киради. Бу кунларнинг баъзиси 3 кун, бошқаси бир кун деб айтилган ўринлар ҳам мавжуд. Лекин бугунги кунда бу ҳисоб аниқ белгилаб кўрсатилган манба йўқ. Аммо уларнинг сўнгги 10 кун давомида ўтиши аниқ.

Халқнинг айни ҳисоб-китоблари ўзига хос тимсол, образларда акс этган бу ахборотлар эса биз англаётгандан кўра серқатлам мазмунга эга. Халқ айтимларига эътибор қаратайлик: “Айём азиз олти кун, қаҳрланса қаттиқ кун”, “Азиз бўлмай мазиз бўлмас”, “Айём мўвжиз”, “Олтидан ўтаман, еттига етаман дер экан”, “Айёмда эчки шохи эзилардек ёмғир ёғса, йил яхши келади”, “Аҳман даҳман — етти қишнинг бириман”, “Аҳман даҳманнинг қорига ағнаган қўзи расо бўлади”, “Аҳманнинг музи даҳманда бўлса ҳам қўрқма, кузнинг музи кўзгудай бўлса ҳам қўрқ”.

Халқ тасаввурига кўра, Азиз айём кампир сифатида англанади. Баъзи афсона ва нақлларда Тўқсон, Аҳман, Даҳман, Эзим, Нозим (Нос)лар Айём азизнинг ўғиллари сифатида талқин этилиб, уларнинг ўзаро муносабатлари кўпгина айтимларда аниқ тасвирланган. Айём азиз йилнинг қуёш тақвими билан боғлиқ тизимида ўлиб-тирилувчи табиатнинг қиш палласи ҳалок бўлиши ҳолатини кампир тимсолида ифодалаб келган. Наврўзнинг “бойчечак”, “аша дарози” маросимларидаги қиш образи тимсоллари ҳам Айём азиз тасаввурлари билан бевосита боғланиб кетади.

“Гўрўғли” достони ҳам бевосита ана шу қадимий дунёқараш ва тасаввурлар ўзагидан ўсиб чиққан. Гўрўғли — кўкламни келтирувчи Қуёш ва Ой фарзанди. У бир йиллик мавсумнинг уч ойида ер остида етилиб, кўклам билан бирга туғилади, баҳорда тетапоя бўлади, ёзда улғаяди, кузда камол топиб-қартайиб, қайта ўз макони ғорга (қиш қўйнига) кириб, уйқуга кетади. “Гўрўғли” эпоси ўзагини айнан ўлиб-тирилувчи табиат ва қуёш, ой туркуми мифлари ташкил этади. Достон сюжетининг мифологик асосида мавсумий ўлиб-тирилувчи табиатнинг ёз (кўклам) тимсоли — Гўрўғли ва унга қарама-қарши қутб ҳисобланган Райҳон подшо — қиш тимсолининг кураши турибди. Достоннинг бу кунги вариант, версияларида сюжетнинг айни ҳалқалари (кўклам ботинида қиш, қиш ботинида ёз етилиб туғилиши, бу туғилиш ўзаро кураш, қарама-қаршиликлар ичидаги уйғунлик, доимий ҳаракатдан иборат экани) билан боғлиқ тасаввурлар янгиланиб, бадиий-эстетик талқин олди, инсоний муносабатлар тасвирига ўтди: этнос ва уни қувватга келтирувчи алп мансуб бўлган авлоднинг бадиий тарихига айланди. Гўрўғли номида қуёш ўғли мазмуни тургани ҳам фикримизни исботлайди. Маросим мифининг эпосга ўтиши мифологик қаҳрамоннинг халқ қаҳрамонига айланиши учун жуда узоқ минг йиллик давр керак бўлиш билан бир қаторда, Наврўз тасаввурлари, маросими, байрамининг халқимизнинг она сутидай туғма, қонга синггн қадрияти эканини ҳам далиллайди. Биргина шу достон мисолида Наврўз байрами шу замин этноси қарашлари асосида яралгани ва халқимиз эпосининг ўзагини ташкил этишига амин бўлиш мумкин. Зеро, бу айём халқимизнинг кўнгли, эътиқоди, қадри ва қадриятлари илдизига туташ.

Улуғ аждодларимиз Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Носируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”, Алишер Навоий асарларида Наврўз билан боғлиқ кўплаб маълумотлар, бадиий талқинлар келиши, Абу Райҳон Берунийнинг Наврўз ҳақида: “Бу кун — фаришталар қадрлайдиган кун. Чунки шу куни фаришталар яратилган. Бу кунни пайғамбарлар қадрлайди. Чунки шу куни қуёш яратилган. Бу кунни шоҳлар эъзозлайди. Чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир”, деб ёзиб қолдиргани ҳам халқимизнинг Наврўзни қадим-қадимдан тантана қилганини, унинг ўтган даврлар, бугун ва келажакнинг улуғ байрами, қадрияти бўлиб қолишини кўрсатади.

## ЭҲТИРОМ

**Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотланганлар рўйхатида Тошкент шаҳридаги “Fastechnika” МЧЖ дизайн бўлими бошлиғи Садоқат Қозиева “Шуҳрат” медали соҳибаси бўлганини кўриб, тўғриси, ўзим тақдирлангандай қувониб кетдим. Тиришқоқлиги, ўз устида қаттиқ ишлаши билан ёшларга ибрат бўла оладиган Садоқат ҳақида газетамизда бежиз ёзмаган эканмиз, деган фикрда у билан боғланиб, самимий қутладим.**



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

# АЁЛГА КУЧ, ИЛҲОМ БЕРГУВЧИ ҚУДРАТ

* * *

“Шуҳрат” медалига муносиб кўрилганим ҳаётимда кутилмаган ва ҳеч қачон унутилмайдиган қувончли воқеа бўлди. Тадбирда иштирок этишим учун ПЗР тест топширишимни айтишди. Вазирлар Маҳкамасида байрам арафасида тақдирланишимни эшитиб, қаттиқ ҳаяжонланганимда, ҳали ундан ҳам ҳаяжонли воқеа олдинда эканини билмагандим.

8 март куни нуфузли давлат тадбирида қатнашишим, Президентимизни кўришимни эшитганимда, тўғриси, ўқувчилик йилларим, Америкадаги таниқли компанияда муваффақиятга эришганим, қўйингки, шу ерга келгунча қилган ҳаракатларим гўё кино тасмасидек кўз олдимдан ўта бошлади. Давлатимиз раҳбари қўл узатгандаги тўлқинланишни-ку, асти сўраманг. Ўша куни ҳар бир аёлнинг қалбида кучли ҳаяжон бўлгани аниқ. Уларнинг кўзида қувонч, юзида табассум, байрамона кайфият уфуриб турганди. Аёлларга ҳурмат, эътибор Ўзбекистонда ниҳоятда юксак экани, жамиятдаги ўрни, қадрини ҳис этиш аёлга катта куч беришини Президентимиз чуқур англашига гувоҳ бўлдим. Бундай эътирофга эришган аёллар, албатта, буёғига нималар қила оламан, энди бор имкониятимни ишга солишим керак, дейди. Ўз-ўзидан янги қирраларини кашф этишга киришади.

Мендан нега Американи, “APPLE”ни ташлаб келдингиз, деб кўп сўрашади. Тадбирда ҳам шу саволни берганлар бўлди. Тўғри, Америка ўзига хос диёр, техника тараққий этган давлат. Аммо интервьюларимда айтганимдек, яна бир бор таъкидлайман, бугун Ўзбекистонда IT соҳасини ривожлантириш бўйича катта ҳаракат бўляпти. Бу шу соҳага дахлдор ҳар бир кишини ҳаракатга келтиради. Ўзбекистонга келиб, янги лойиҳаларни йўлга қўйишимизга ҳам шундай саъй-ҳаракатлар турткибўлганди, аслида. Аммо инсон ҳар қандай ишни бошлашдан аввал унинг истиқболи нечоғлик бўлиши ҳақида ўйлайди. Мабодо, режаларимиз биз кутгандек бўлмаса, яна ортга қайтамиз, деган ният йўқ эмасди. Хайриятки, бугун Ўзбекистонда IT мутахассислар қадрланяпти. Айниқса, қизларни шу соҳага жалб қилишга катта эътибор қаратилаётгани бошқа лойиҳаларни ҳам тезкор ишлаб чиқишни тақозо этади. Энди биз Womenandtech.uz лойиҳамиз орқали қиз ва аёлларни ахборот технологиялари бўйича профессионал ўсишга чорлаймиз. Шунингдек, пухта билимга эга бўлганларнинг бошқа аёлларга ёрдам бериши тарафдоримиз. Яъни, ривожланишда бирлашишга чақирамиз. Бу борада маҳорат дарслари, онлайн курслар ташкил этиш, хуллас, ҳамма-ҳаммаси режаланган. Зеро, шу орқали занжир тизими ҳосил бўлса, лойиҳалар кенгайиб, соҳани ўргатишга доир катта-катта марказлар, мактаблар пайдо бўлади. Насиб қилса, лойиҳаларимиз учун грант олишга муваффақ бўлсак, бор салоҳиятимизни юртимизда замонавий билимларни оммалаштиришга қаратамиз.

Бу шунчаки ҳавойи гаплар эмас. Зеро, давлатимиз кўрсатаётган юксак эҳтиром, эътибордан миннатдорлигимиз мақсадларимизнинг амалдаги ифодасидагина яққол кўриниши мумкин.

* * *

Садоқат том маънода ўз соҳасида мактаб яратишга қодир. Буни унинг ҳар бир ҳаракатию эзгу нияти айтиб турибди. Энг муҳими, у биз билан тўрт ой аввал суҳбатлашган, тақдирланиши хаёлига келмаган пайтда ҳам ҳозиргидек ёниб турганди. Қаҳрамонимиз амал қиладиган “Ўзингда борини бошқаларга ҳам улаш” шиорининг ўзи кўплаб эзгу мақсадларни қамраб олади. У нафақат хотин-қизлар, балки ёрдам бера олиши мумкин бўлган барча-барча билан маҳорати, тажрибасини бўлишишга тайёр.

Дарвоқе, бир ойча бўлди, Садоқат Тошкент вилоятидаги Аструм академиясида IT рекрутинг лойиҳасида фаолият бошлади. Аслида, академияга ўз лойиҳаси билан борган, лойиҳа доирасида қизларни технологияга жалб этувчи маҳорат дарслари ўтказиш таклифини берган фидойи аёл айнан ўша жойга керакли мутахассис бўлиб чиқди. Рекрутинг билан шуғулланганы, бу борада етарли тажрибага эга эканини эшитган академия раҳбарияти уни шу куннинг ўзидаёқ ишга таклиф қилди. Юртимизда IT соҳасида муносиб мутахассислар тайёрлашга ҳисса қўшишга қарор қилган Садоқат бундай таклифни бажонидил қабул қилди. Айни пайтда у академиянинг бизнес стратегияларига ҳам яқиндан ёрдам беряпти. Ўйлаймизки, яқин келажакда Садоқат Қозиева шу каби мактабларнинг барчасига ўзининг янгича ёндашувлари, соҳадаги муаммоларга муносиб ечимлари билан кириб боради.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 706
88930 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳиҳ: Рўзиқул Очилов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 23:05 Топширилди — 00:15